



Султон Хусайн Мирзо Байқаро (1438–1506) — Темурийлар сулоласининг сўнгги буюк хукмдорларидан бири бўлиб, Хирот шаҳридаги маънавий ва маданий юксалишнинг марказий шахсларидан ҳисобланади. Унинг даври Темурийларнинг “илмий ва адабий ренессанси” билан танилган бўлиб, бу жараёнда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби сўфий ва адабий арбоблар унинг атрофида тўпланган эди.

Сиёсий фаолияти

Хусайн Байқаро 1469 йили Хиротда хукмдорликни ўз қўлига олган ва ўлимгача — 1506 йилгача Темурий давлатининг шарқий қисмида — асосан Хуросон, Хирот ва атрофи ҳудудларда хукмронлик қилган. У давлат бошқарувида тинчлик, барқарорлик ва илм-фанга эътибор бериш сиёсати юритган. Унинг сиёсий хукмронлиги Темурийлар марказий ҳокимиятининг заифлашган даврига тўғри келади, аммо у маданий ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Илм-фан ва маданият хомийси

Султон Хусайн Байқаро ўз ҳокимияти даврида Хиротни туркий ва форсий маданиятнинг юрагига айлантирди. У Алишер Навоийни давлат ишларига жалб қилиб, унга катта

сиёсий ва маънавий таъсир майдони яратди. Байкаро Алишер Навоийга "амир", "вазир" макомларини берган, унинг ижодий фаолиятини кўллаб-қувватлаган.

Унинг саройи нафакат шоирлар, балки рассомлар, хаттотлар, тарихчилар, табиблар ва фалсафа арбоблари учун ҳам марказ бўлган. Шу боис, Хусайн Байкаро даври "Хирот ренессанси" деб ном олишга муносибдир.

Суфийликка муносабати

Байкаро суфийлик билан якин муносабатда бўлган, ўз замонасида машхур бўлган Абдурахмон Жомий каби сўфий уламоларни хурмат қилган. У ўзини факат подшоҳ эмас, балки маънавий химоячи сифатида ҳам кўрган.

Алишер Навоий билан муносабати

Алишер Навоий Хусайн Байкаронинг болаликдан дўсти ва вафодор ҳамкоридир. Улар Хиротда бирга таълим олган, ва кейинчалик Навоийни давлат ишларида масъул вазифаларга тайинлаган. Уларнинг ёзишмалари, бир-бирини мадх қилган шеърлари ва тарихий ёдгорликлар бу муносабатни исботлаб туради.

Султон Хусайн Байкаро нафакат Темурийлар сулоласининг охириги буюк ҳукмдори, балки маданият ва маърифатнинг химоячиси, Алишер Навоийнинг дўсти, илм ва суфийликнинг хомийси сифатида тарихда мухтарам ўринга эгадир. Унинг ҳукмронлиги — зўравонлик эмас, маърифат, маданият ва калам ҳукмронлик қилган даврдир.

Абу Муслим

(профессор, сиёсий таҳлилчи)